

Ислон **КАРИМОВ:**

Агар аниқ, равшан стратегик вазифа бўлмаса, на бирор давлат, на бирор халқ, на бирор жамият ўз истиқболини кўра олади. Истиқбол одамларга тушунарли бўлиши, уларга куч-қувват бағишлаши ва бирлаштириши лозим.

O'ZBEKISTON VOZI

2000 йил
11 АПРЕЛЬ,
СЕШАНБА

№ 44 (25.594).

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN
CHIQA BOSHLAGAN

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 10 апрель кунин Оқсарой қароргоҳида Россия Федерацияси Президентининг махсус вакили Сергей Ястржембскийни қабул қилди.

Учрашувда меҳмон Ўзбекистон Президентига Россия Президенти вазифасини бажарувчи В. Путиннинг шахсий мактубини топширди.

Мулоқот чоғида минтақавий хавфсизлик ва Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги икки томонлама муносабатларга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)
Суратда: қабул пайти.
Абдувоҳид Тўраев (ЎзА)
олган сурат



«СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ — 2000»

Бугун Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да очилган «Соғлиқни сақлаш — 2000» халқаро тиббиёт кўргазмасида ватанимиз ва хориж мамлакатларининг дори-дармон воситалари ва тиббиёт ускуналарини ишлаб чиқарувчи 50 дан ортиқ компаниялар иштирок этади.

Кўргазма экспозицияларида ташхис, лаборатория ускуналари, материаллари, жарроҳлик, анестезиология, реанимация, тезкор тиббий ёрдам, стоматология, кардиология ускуна ва тизимлари намойиш этилади.

Мамлакатимизда олтинчи марта ўтказилаётган замонавий кўргазмада Россия, Германия, Италия, Швейцария, Финляндия, Швеция, Словакия, Буюк Британия, Исроил ва бошқа давлатлардан жаҳонга машҳур — SIEMENS, GENERAL ELEKTRIC, CARL ZEISS, KARL STORZ, DINA, DREGER, TOSHIBA, шунингдек Ўзбекистондан «Ўзфармсааноат», «Медиз» кўшма корхонаси, «КЕТГУТ — СИЛК» акциядорлик жамияти ўз маҳсулотлари билан қатнашадилар.

Кўргазма давомида соғлиқни сақлаш ва дорихона ходимлари, шифокорлар, ишбилармон ва тадбиркорлар замонавий тиббиёт технологиясида эришилаётган энг сўнгги ютуқлар билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

■ Мирбахтиёр МИРҒАЙИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1995 йилдаги дастури асосида Ўзбекистонда ҳар йили инсоният тараққиёти тўғрисида маъруза қилинади. Мазкур маърузаларда инсоният кечмишидаги барча соҳалар бўйича ривожланиш мезонлари ёритиб борилади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, жаҳон ҳамжамияти нуфузли давлатга айланди. Ўзбек миллати, асорийатлари, турмуш тарзи, ўтмиш тарихи, маданияти ва маънавияти билан қизиқувчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шундай экан, инсоният тараққиёти тўғрисидаги маърузалар мўъжаз китоб шаклида нашр этилиши ўта муҳим масаладир. Яқинда ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп

этилган китобда мамлакатимиз аҳолисининг барча жабҳалардаги кечмиш фаолияти атрофлича ёритилган. Ундаги маълумотларга қараганда, ўлкамиз барча соҳаларда тараққий этаётгани кувонарли.

Инсон капитали сармоялари, табиат ресурслари, таълим жараёнларидаги ўзгаришлар тўлалигича баён этилган китобда асосан кейинги ўн йиллик маълумотлари тўпланган. Илм кишилари ҳамда оддий одамларга ҳам, раҳбару ходимга ҳам бирдек манфаатли бўлган ушбу китобни барча фуқаролар бир қур кўздан кечириб қўйишга ёмон бўлмади.

■ Юсуф ХУДОЙҚУЛ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 11 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади *

1 Австралия доллари	88,71
1 Австрия шиллинги	10,29
1 Англия фунт стерлинги	234,13
10 Бельгия франки	35,11
1 Голландия гульдени	64,27
1 Греция драхмаси	4,24
1 Дания кронаси	19,03
1 БАА дирхами	40,36
1 АКШ доллари	148,25
1 Миср фунти	43,28
10 Испания песети	8,51
100 Италия лираси	7,31
1 Канада доллари	101,75
1 Хитой юани	17,91
10 Люксембург франки	35,11
10 Локсембург франки	35,11
1 Малайзия ринггити	39,02
1 Германия маркази	72,41
1 Польша злотийси	35,77
1 СДР	199,22
1000 Туркия лираси	0,25
1 Финляндия маркази	23,82
1 Франция франки	21,59
1 Швейцария франки	90,19
1 ЕВРО	141,62
10 Жанубий Корея вонни	1,34
10 Япония иенаси	14,00
1 Россия рубли	5,17
1 Украина гривнаси	27,30

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.

ХДП хабарлари

АМАЛИЙ ИШЛАР ТАҲЛИЛИ

ЎзХДП Навоий вилоят Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленум иштирокчилари томонидан вилоят партия Кенгашининг қилинган ва қилинажак ишлари муҳокама этилди. Бу ҳусула ЎзХДП вилоят Кенгашининг биринчи котиби Р. Ботиров маъруза қилди. Нотиқ вилоят партия ташкилотининг юртбошимиз И.А.Каримовнинг республика Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ биринчи сессиясидаги илҳомбахш нутқи ҳамда ЎзХДП МК иккинчи пленуми қарорларидан келиб чиқадиган долзарб вазифалари борасида фикр юритди.

Пленумда, булардан ташқари, вилоят партия ташкилотининг ўтган йилги бюджетни ижроси ҳамда 2000 йил бюджетни лойиҳаси тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди. Унинг ишида вилоят ҳокимининг ўринбосари Ж. Норов иштирок этди.

■ Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ


Тошкент вилояти, Қўйраб тумани партия кенгашининг пленумида ташкилий масала кўрилди. Туман партия кенгашининг биринчи котиби Ж. Бежонов бошқа ишга ўтганлиги сабабли ўз вазифасидан овоз қилинди. Туман ҳокимининг муовини бўлиб ишлаб келаётган Миржалол Мирмақсудов Ўзбекистон ХДП Қўйраб тумани кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда туман ҳокими М. Кўчичев сўзга чиқди.

■ Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти қошида ташкил этилган «ҚАЛАМКАШ»

ёш журналистлар мактабига суҳбат асосида тингловчилар қабул қилинади. Ўқиш муддати бир йил. Маъруза ва амалий машғулотларни журналистика соҳаси бўйича етакчи олимлар ва таниқли журналистлар олиб боришади. Битирувчиларга ҳужжат берилади.



Манзилимиз: Тошкент шаҳар,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй, 3-қават, 356-хона,
«Ўзбекистон овози»
газетаси таҳририяти.
Тел.: 136-55-05

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ АНЖУМАН

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: тарих ва ҳозирги замон» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистоннинг бой тарихи, жамиятимизда кечётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги ёшларнинг иштироки, маърифатли, баркамол авлоднинг тарбияш масалалари ҳақида сўз борди.

■ Ҳусниддин БЕРДИЕВ

ФЕСТИВАЛ


ЁШЛАР НАМОЙИШ ЭТАДИ

11-15 апрель кунлари пойтахтда республика талабаларининг «Ниҳол—2000» театр сәнъати фестивали ўтказилди.

— Иккинчи марта ўтказилаётган бу тадбир анъанага айланиб, талаба-ёшларнинг энг унутилмас давларидан бири бўлиб қолди, десам муболага бўлмайди. Чунки Ватан равнақи йўлида хизмат қилишга шайланган ёшлар бу фестивалда ўз ижодий қобилиятларини, орзунтилишларини ва эзгу мақсадларини саҳна кўринишларида намойён қилиш имконига эга бўладилар, — деди тадбир ташкилотчиси, республика «Камолот» жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Қаҳрамон Қуронбоев

«Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда. — Ўтган йили талабаларнинг театр фестивалида ўнга яқин жамоа қатнашган бўлса, айни кунларда вилоят танлови бошқиларида голибликни қўлга киритган 24 та ижодий гуруҳ, яъни республикадаги ҳар учта олий ўқув даргоҳининг биттаси иштирок этяпти. Бу ҳам «Ниҳол»нинг нуфузи тобора ошииб бораётганидан дарак беради.

Бу йилги фестивалнинг эсадалик совғаларига «Ниҳол»нинг рамзий белгилари туширилганлигини айтиб ўтиш жоиздир. Энг яхши ижрочи, спектакль, режиссура учун эса талабаларнинг «Ниҳол» кўчма кубоги берилади.



Айни кунларда пойтахтимизнинг Юнусобод туманида бунёд этилаётган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида улугвор ишлар амалга ошириляпти. Бинобарин бу ерда асосий бунёдкорлик ишлари бажариб бўлинди. Лекин ободонлаштириш, қўқламзорлаштириш ишлари авжида. Бундай саъолат ишда турли маҳаллаларнинг вакиллари, кор-

хона ва ташкилотлар жамоалари фаол иштирок этишаётган. Кунин кеча Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси ходимлари улкан ҳашарда иштирок этишди.

Суратларда: ҳашардан лавҳалар.
Владимир МОЛГАЧЕВ олган суратлар.



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг III курултойи бўлиб ўтди. Унда делегатлардан ташқари касаба уюшмаларининг фаоллари, давлат, жамоат арбоблари, меҳмонлар ҳамда матбуот ходимлари иштирок этишди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг курултой қатнашчиларига йўлаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов ўқиб эшиттирди.

Улкан масъулият замирида касаба уюшмаларининг зиммасига Конституцияда айтилгандек, юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин касб таълими, ишсизликнинг қўқлаб-қувватлаш, яқиндан қўқмак беришдек вазифани юклайди. Корхона ва ташкилотларнинг ўз-ўзини эплай олмастик, банкротликка учраш ҳоллари ҳали

мавжуд. Оқибатда ишсизлик масаласи пайдо бўлди. 1999 йилда расман руйхатта олинган ишсизларнинг 60-65 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам хўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорлигини таъминлай олмастик, хўжалик юритишда тадбиркорликнинг етишмаслиги, бозор иқтисоди сиёсатининг тўғри аниқлаб етмаслик натижасида санаятига учраётган хўжаликлар етарли. Хўжаликларда меҳнат фаолиятининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги натижасида бутунга келиб умум ишсизликнинг 65-70 фоизини қишлоқ аҳолиси ташкил этапти. Фуқароларнинг манфаатини ҳимоялаш касаба уюшмаларининг долзарб вазифасидир.

Аҳолининг саломатлигини

тиклаш, маданий ва маънавий дам олишини, санаторий профилактик даволашнинг таъминлаш ҳам касаба уюшмалари айтиди:

— Бизнинг касаба уюшмалари таркибида 500 дан ортиқ касаба уюшмалари бошланғич таъминланди.

Бир масала хусусида тўхтамоқчи эдим, авваллари кутубхоналар, спорт майдонлари бизнинг тасарруфимизда эди. Маънавий йўқлиги сабаб вақтида ишга туширолмадик, кейинчалик биздан хўжаликларга олиб беришди. Аммо улар қаровсиз аҳволга келиб қолди. Ўзини-ўзи таъминлай олманган хўжаликлар ҳам амалий ишни юртга олишди. Ҳозирда бизда имконият бор, кутубхоналарни, спорт майдонларини қайтариб беришга яхши бўларди.

Курултойда Федерация кенгаши раиси, Олий Мажлис депутати Дилбар Жаҳонгирова «Федерация кенгаши ҳисобот даврида амалга оширган иш-

таркилотлари бор. Мен курултойда қатнашар эканман, аввало Президентимизнинг бизга йўлаган табриги рўҳимга қувват бағишлади. Қолаверса, курултойнинг жонли, қизгин ўтгани мени қувонтирди. Бухоро вилоятида касаба уюшмамизнинг 200 мингдан кўпроқ аъзоси бор. Бу ерда эшитган, кўрганларимни ҳаётга жорий этиш учун барчасига етказаман. Бир-

ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙДИ



НАВОЗ ШАРИФГА ХУКМ ЎҚИЛДИ

Покистонда собиқ бош вазир Навоз Шариф устидан олиб борилган судлов жараёнида ниҳоятда эътибор берилган. У террорчилик ва аморлетни ишғол қилишга уринганликда айбонлиб, бир умрлик қамоқ ҳақида ҳукм қилинди.

УЧРАШУВ АПРЕЛДА БЎЛАДИ

Япониянинг янги Бош вазири Иосиро Мори Россиянинг яқинда сайланган Президенти Владимир Путин билан учрашиш истаги борлигини айтиб, шу мақсадда апрель ойи охирида мазкур мамлакатта боришини маълум қилди.

НОИЛОЖ ЎФИРЛИК

Мўғулистон чегара хизмати маълумотига қараганда, Россия билан чегаралаш ҳудудларда юз бераётган жиноятчиликнинг 75 фоизи уй ҳайвонлари ўғирлигидан иборатдир.

ҚАШШОҚЛАР КАМАЙДИ

Хитойда сўнгги йилларда ўтказилган кенг қўламли иқтисодий ислохотлар мамлакатда қашшоқлар сонининг кескин камайишига сабаб бўлмоқда.

ФИЛЛАР ҚИРИЛМОҚДА

Халқаро миқёсда фил суяги савдоси билан шуғулланиш тақиқланган бўлишига қарамай, 1998-99 йиллар ичида Африкада ўттиз мингдан ортққ фил йўқ қилинди.

КУТИЛГАН НАТИЖАГА ЭРИШИЛМАДИ

Шимолий Корея билан Япония ўртасида дипломатия муносабатларини тиклаш борасида икки мамлакат делегацияси ўзaro музокара кутилган натижага бермади.

ИРОҚҚА ЯНА ЗАРБА БЕРИЛДИ

АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий авиациясининг зарбалари натижасида Ироқ жанубида 14 киши ҳалок бўлди, 19 киши жароҳатланди.

АҚШ ҳарбийларининг айтишича, самолётларга дастлаб Ироқ ҳарбийлари томонидан ҳужум бўлган. Улар мамлакат авиацияси парвози учун тақиқланган ҳаво кенгликларини назорат қилиб юрганда, Ироқ ҳаво ҳужумидан мудофаа кучлари зарбасига учраган.

«ЛОКХИД» АЙБЛАНМОҚДА

АҚШ ҳукумати фазовий қурилмалар ишлаб чиқарувчи «Локхид» корпорациясини Хитойга махфий маълумотлар берганида айблади. Бу маълумотлар ракета ясашда ишлатилди.

ТЕКШИРУВ БОШЛАНДИ

Колумбия ҳуқуқ-тартибот органлари Венесуэла билан чегаралаш ҳудудда жойлашган Тибу шаҳридаги қотиқлиб бўйича текширув ишларини бошлаб юборди.

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Азиз замондошим! Сиз мен юқорида айтган китобни кўрганмисиз? Ҳеч бўлмаса умрингиз давомида бир марта бўлсин, варақлашга ҳаркат қилганмисиз? Билиб турибман, сўзимни бирдан сўроқдан бошлаганим сизга ёқмади.

Ҳамид Сулаймон Франция ва Англияга сафар қилган чоғида ҳазрат Алишер Навоийнинг ўзи тузган «Бадое-ул-бидо». «Девонифоний» кўлэмаларини келтирди. Ватанига бўлган юксак эҳтиром, миллатига бўлган улкан садоқат олимга ҳамроҳлик қилди. У келтирган ўнлаб кўлэмаларни, нашрга тайёрлаган юзлаб асарларни санаш мумкин. Бу ўша давр учун ҳатто бутун ҳам улкан жасоратдир.

1967 йил 18 январда Тошкент вилояти ижроқўмининг лажақ олдидаги ўз вази-фаларини тўри англаб етганлар.

Ҳамид Сулаймон Франция ва Англияга сафар қилган чоғида ҳазрат Алишер Навоийнинг ўзи тузган «Бадое-ул-бидо». «Девонифоний» кўлэмаларини келтирди.

1967 йил 18 январда Тошкент вилояти ижроқўмининг лажақ олдидаги ўз вази-фаларини тўри англаб етганлар.

ЎТМИШ

Эзгулик китобининг илк саҳифаларида алломи замон, миллат фидойиси, профессор Ҳамид Сулаймоннинг бармоқ излари бор. Ўша мустабил тузум юракларини қон-зардобга тўлдирган бир даврда олим эртанинг умиди билан яшади.

Эзгулик китобининг илк саҳифаларида алломи замон, миллат фидойиси, профессор Ҳамид Сулаймоннинг бармоқ излари бор.

БУГУН

Биз музей директори, улкан олим, илмуҳаббат рақиб, бир сўз билан айтганда устоз аъналарига содиқ қолиб, кўлэмалар қатини титиб ўтмиш билан сирлашаётган профессор Саидбек Ҳасанов билан музоевнинг яқин йиллардаги фаолияти тўғрисида суҳбатлашдик.

Биз музей директори, улкан олим, илмуҳаббат рақиб, бир сўз билан айтганда устоз аъналарига содиқ қолиб, кўлэмалар қатини титиб ўтмиш билан сирлашаётган профессор Саидбек Ҳасанов билан музоевнинг яқин йиллардаги фаолияти тўғрисида суҳбатлашдик.

Биз музей директори, улкан олим, илмуҳаббат рақиб, бир сўз билан айтганда устоз аъналарига содиқ қолиб, кўлэмалар қатини титиб ўтмиш билан сирлашаётган профессор Саидбек Ҳасанов билан музоевнинг яқин йиллардаги фаолияти тўғрисида суҳбатлашдик.

ТАФАККУР ЎЗГАРИШИ

Халқимизнинг миллий қадриятлари, маънавияти кўп қиррали, яшовчан, дунёқарши, ҳаёт тарзи, ҳар бир миллат, уруф, тоифанинг ўзига хос жозибador гоиси, иймон-этиқоди бор.

Халқимизнинг миллий қадриятлари, маънавияти кўп қиррали, яшовчан, дунёқарши, ҳаёт тарзи, ҳар бир миллат, уруф, тоифанинг ўзига хос жозибador гоиси, иймон-этиқоди бор.

УМРИ БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Зова, Я.Ражабов, М.Матмуродов, Р.Қўшаев, Р.Ҳидойберов, Д. Йўлдошевнинг миллий мафкура қирраларини шакллантириш йўлида астойдил иш юритаётганликлари қимматлидир.

Зова, Я.Ражабов, М.Матмуродов, Р.Қўшаев, Р.Ҳидойберов, Д. Йўлдошевнинг миллий мафкура қирраларини шакллантириш йўлида астойдил иш юритаётганликлари қимматлидир.



лан имзоланган ўзаро илмий ва молиявий ҳамкорлик ҳақидаги шартномага биноан ўзбек адабиётининг йирик намоёндаларининг мўъжаз рисола ва асарларини нашр қила

бериб бўлмади. Ёки у юқоридан берилган буйруқлар билан амалга оширилмади. Маънавиятнинг юрак ҳис этмоғи керак. Қалб маънавият билан ашамоғи зарур.

ЭЗГУЛИК КИТОБИ

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам Президентимиз таъкидлаганидек, XXI аср маънавият асри бўлади. Бас, шундай экан, музейларимизнинг яшаб қолмоғи учун барчамиз қайғуришимиз зарур.

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам Президентимиз таъкидлаганидек, XXI аср маънавият асри бўлади. Бас, шундай экан, музейларимизнинг яшаб қолмоғи учун барчамиз қайғуришимиз зарур.

ЭРТАГА

Биз адабиёт ҳақидаги тасаввурларимизни сақлаб қолмоғимиз учун ҳам ушбу музей, яъни эзгулик китоби муқаддас туйғу сифатида яшаш керак.

ФАРҲУХ ҲАМРОЕВ, «ЎЗБЕКISTON VOZI» МУХБИРИ

Биз адабиёт ҳақидаги тасаввурларимизни сақлаб қолмоғимиз учун ҳам ушбу музей, яъни эзгулик китоби муқаддас туйғу сифатида яшаш керак.

Биз адабиёт ҳақидаги тасаввурларимизни сақлаб қолмоғимиз учун ҳам ушбу музей, яъни эзгулик китоби муқаддас туйғу сифатида яшаш керак.

ҲАЙРАТЛАРГА ЧУЛҒАБ ДУНЁНИ




Ўзбекистон таботи ўзининг етуқ олимидан, зарбаласт, зукко ўғлонидан жудо бўлди. Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кўз касалликлари кафедраси мудири, республика аҳамиятига молик пенсионер Муҳаммадjon Комилов 83 ёшида оламдан кўз юмди.

Ўзбекистон таботи ўзининг етуқ олимидан, зарбаласт, зукко ўғлонидан жудо бўлди. Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кўз касалликлари кафедраси мудири, республика аҳамиятига молик пенсионер Муҳаммадjon Комилов 83 ёшида оламдан кўз юмди.

БИР ГУРУХ ДЎСТЛАРИ

ГАЗЕТХОН ТАКЛИФИ

БИЛЬБОЛ



Маълумки, бўш вақтдан унумли фойдаланиш соғлом авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Мен ҳам бўш вақтни мароқли ва мазмунли ташкиллаштиришда ўзинга хос омил бўлиб хизмат қиладиган спорт ўйинини таклиф қилишни лозим топдим. Ҳозирча шартли равишда бу ўйин «Ер-бильярд» ёки «Билбол» деб номланди. Балки бошқачроқ аташ ҳам мумкин. Муҳими, бу ўйин билан 5 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизларнинг шугулланиши мумкин бўлар. Майдоннинг кўриниши, ўйин қоидалари, бильярднинг деярли қолишмайди. Фақат бильярд столнинг ердаги кўриниши бўлиб, унинг соққа тошлари ўрнига коптокдан фойдаланилади ҳамда тегиб ўйналади.

тиш лаҳмлари бўлиб, ўнта коптокни «0» рақамли копток билан уриб ўйин бошланади. Майдон учун асфальт, шариотта қараб палос, ковалон линолиум тўшамали ёпиқ жойларни ҳам сошлаш мумкин. Ер-бильярд майдончаларини эса болалар боғчалари, мактаблар, истироҳат боғлари ҳамда маҳалларда курс бўлади. Агар болалар ва ўсмирларни бундай ўйинга қизиқтириб, жалб қила олинса, улар тўп билан муомала қилишга оdatланиб, бўш вақтларини мароқли ўтказиб, кейинчалик футболга ҳам қизиқиб қолишлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Янги спорт ўйини майдончаси учун ётоқ, пластмасса, бетон ва темир материаллардан қайси бири маъқул келса, ўшани танлаш тавсия этилади.

5-10 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган билболнинг узунлиги 5, эни 2,5 метр бўлиб, баландлиги 30 сантиметрдан ошмайди. Копток диаметри 175 миллиметр атрофида, копток киритиладиган лаҳмлар эса 200 миллиметрга тенг бўлса мақсадга мувофиқдир.

7 ёш ва ундан катта болалар учун эса ер-бильярднинг узунлиги 8 метр, эни 4 метр, баландлиги 40 сантиметр қилиб ясалади. Копток диаметри 200 миллиметр, лаҳми 230 миллиметр бўлади.

ИНСОН — АЗИЗ

ИНСОҒСИЗ ЭР

ЎКИ СУД ҚАРОРИ ИЖРОСИ

Бировнинг юрагида бир дарди бўлмаса, оиласида тинчлик-хотиржамлик бўлса, у ҳеч кимга, ҳеч қасрга шикоят қилмайди. Идорамали эриш санайиб ҳафсаласи пир бўлганидан кейингина газета таҳририга арз қилишлари мумкин. Мана шундай дил изтиробларидан бири: «Менинг ёшим ўн еттида. Укаларим Шохруҳ, Фарруҳлар ўн беш, ўн уч ёшда, кичкина синглим Гулруҳ энди етти ёшга тўлди. Онам Муқаддам Ражабова асли суҳрадорлик. Дадам Алишер Бозоров билан севишди турмуш қуришган. Институтда бирга ўқишиб топшиган эканлар. 1997 йилгача оилада бўлиб турадиган жанжалларни ҳисобга олганда оиламиз тинч эди. Тўғри, дадам бадавлат оиладан бўлганлиги учун аямни онам (дадамнинг аяси) ҳар доим камситар эдилар. Охири жанжаллар шунга бориб етдики, дадамнинг қариндошлари келиб, ҳаммаси бир бўлиб, бизларни кўчага ҳайдашди. Арз-долимизни эса ҳеч ким эшитишни ҳам хоҳламади. Йигла-йигла охири аям 1997 йил апрель ойида бизларни олиб, Суҳрадорга, бобомникига олиб кетдилар. У ерда ҳам аямнинг қийналганлиги ёлғиз ҳудода аён. Кейин кўпчиликнинг маслаҳати билан судга мурожаат қилиб, бизларни ҳовлига киргизиш қўйишларини, ҳовлидан биз болаларнинг ҳаққини ундириб беришларини сураб, ариза бердилар. Чунки аям билан дадамнинг қонуний никоҳлари бўлиб, ўртада иккала ларнинг меҳнати эвазига қурилган ҳовли бор эди.

1997 йил ноябрь ойида эса аям билан дадамнинг қонуний никоҳлари бекор қилинган бўлса-да, бизларга ҳеч нарса тегмади. Бу орала дадам уйланиб ҳам олди. Аямнинг югур-югурлари туфайли 1999 йилнинг 15 март кунини Каттақўрғон туман суди судьяси А.Норбутаев уй-жойимиз аям билан дадамнинг «умумий мулки» деб, бизларни мажбурий қилиб қўйиш ҳақида қарор чиқариб берди. Туман суди ижросисини Тўйчи Хайруллаев ва яна икки нафар милиция ходими бизларни мажбуран ҳозир дадам яшаётган ҳовлига киргизиш қўйишди. Улар кетмасдан қўйишди уриб сўқишди, аямни калтаклашди. Борадиган жойимиз йўқлиги учун ҳаммасига

кўндик. Мана 1999 йил 8 сентябрдан буён, ҳаммом учун мўлжалланган эни 1,5 метр, бўйи 3,5 метр келадиган ўчоқхонада яшаймиз...»

БОШ МУҲАРРИР

Азим СУҲОН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

- Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙУЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбоб ШАКАРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимулла СУЛТОНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ
(масъул котиб — «Узбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

- Сўбат — 133-44-55
Иқтисодий — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар — 133-47-80, 133-38-55, Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:

- Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоида — 3-39-20;
Нукуда — 6-43-43;
Самарқанда — 222-70-12;
Тошкентда — 35-20-54;
Урағанда — 136-53-16;
Фарғонада — 226-51-35;
Қаршида — 26-46-84;
Термизда — 4-61-35;
3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи Саида Йулдошева
Газета «Узбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр Жуманов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Ғўятдан ўтти тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Узбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 182

Топшириш вақти -- 21.00.
Топшириш -- 21.30.
1 2 3 4 5 6
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ЖАҲОН ГУРУҲИНИ КЎЗЛАБ

Маълумки, теннисчиларимиз «Дэвис кубоги» учун курашда юқори ўринларни эгаллашга ҳаракат қилишмоқда. Улар бундай соврин учун курашнинг саралаш баҳсларини кўтаринки руҳда ўтказиб, жаҳон гуруҳига ўтиш учун имкон берадиган ҳал қилувчи баҳсда Чехия теннисчиларига имкониятни бой бериб қўйишганди. Энди Янги Зеландия теннисчилари билан учрашувда вакилларимиз ажойиб галабага эришдилар. Дастлабки кун ярмадан-якка баҳсларда Вадим Куценко — Марк Нильсенни 7:6, 7:6 ҳисобида енгган бўлса, Олег Огородов икки ярим

соат давом этган Алстайр Хант билан баҳсни ўз фойдасига ҳал қилди. Мусобақанинг иккинчи кунини майдонга жуфтликлар тушди. О. Огородов — Д. Томашевич билан А. Хант — Ж. Гренхалх баҳсида 7:5, 2:6, 6:4 ҳисоблари қайд этилди. Ниҳоят учинчи кунги ўтказилган учрашувлар ҳам муросасида баҳсларга айланди. О. Огородов — М. Нильсенга (2:6, 6:1, 5:7) ютказиб қўйди. В. Куценко эса А. Хантни (2:6, 7:6, 6:4) доғда қолдирди. Шундай қилиб, теннисчиларимиз умумий ҳисобни 4:1 га етказиб, жаҳон гуруҳига ўтиш учрашувида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритдилар.

ЎРИНЛАРДА ЎЗГАРИШ

Футбол бўйича мамлакат миллий чемпионатида олий табақа жамоалари 5-тур учрашувларида куч синашдилар. Бу сафар пешқадам жамоалар очко йўқотишди. Хусусан, 12 та очко билан биринчи бўлиб турган «Трактор» футболчилари пахтакорчилар майдонида ютказиб (1:3) қўйишди. Иккинчи ўринда бораётган «Насаф» жамоаси эса «Кимёгар» майдонида дуранг (0:0) ўйнади. Сурхончилар мамлакат чемпиони «Дўстлик» майдонида тўп суриб, дарвозага киритилган бир тўпга 3 та жавоб олиш билан учинчи ўридан еттинчи

ўринга тушишга мажбур бўлишди. Шундай қилиб, «Трактор», «Насаф» ва «Дўстлик» жамоалари юқори ўринларни эгаллаб туришди. Навбахорчилар эса «Андижон» жамоаси дарвозасига 3 та жавобсиз тўп киритиб, 10 та очко билан 4-ўринга кўтарилишди. Сафарда «Темирйўли» майдонида галаба (2:3) қозонган «Нефтчи» ҳам мавқеини мустаҳкамлаб юқори ўринга кўтарилиди. Энг сунгги ўринни эгаллаб турган «Гулистон» футболчиларининг «Хоразм» билан учрашувда галаба (2:0) қозониши муҳлисларда умидворлик уйғотди.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

АГАР ДЎХТИР БЎЛМАГАНДА...

Муродилла агар дўхтир бўлмаганда... йўқ, барибир дўхтир бўларди. Аввало у шу соҳага йилдан-йил каттиқ қизиқарди. Қолаверса, табиатан қилмаган деган ишнинг қиладиганлардан. Яна бир фазилати бор, бу балки дўхтирлик учун айниқса муҳимдир: унинг феъл-аъло, иш тўғрисида шайхона-шайхона йўқ, пала-партиш иш қилмайди. Беморни бафуржа эшитиши, унинг гапи, сўзи оҳанги, ҳажжонидан ҳам кўп нарса-ни илтиб олади. Ана шундан кейин ҳулоса қилади. Ана шундан кейин энг муносиб муолажа ҳам йўқлини айтади. Ҳақ сасиб касалликларни мутахассис бўлгани учунми илтиб олади, унинг дилига озор бермаслик учун, руҳини синдирилмаслик учун сўз, жумла танлайди, танлаганда ҳам вақтинчалик билан донадона қилиб ташутилади. Дарди мушкул хастани ҳам умидлантиради, димоғини чолғайди. Ҳақ муолажага беморнинг ўзи рабаб, иккис ўятади.

ҳам тўғри келмас, аникроғи, уни ахши қўришади. 1985 йили Андижон тиббий институтини битиргандан буён юрт ахши саломатлиги учун астойдил жон куйдириб келади. Шифо топиб кетганларни ҳам вақти-вақти билан йўқлаб туради, хабар олади. У 7 йил давомида 5-сон Янгиқўрғон туманиларо Тиббий меҳнат экспертиза комиссиясида эксперт-шифокорлик ҳам қилди. «Бу соҳа бир қарашда тиббийдан айроқроқ кўринса-да, асл тиббий шифо эриши, — дейди унинг ўзи. — Асосий вазифамиз ногиронликнинг олдини олиш, уларни ўз имконияти ва соғлиғи даражасида иш ўринлари билан тўқатиш, қолаверса, уларни соғайтириш, ногиронлик даражасини андиқош». У энди нафақат тиббий ҳодими, балки илтиб олади ташнаётган соҳаси вақили сифатида ҳам фаолият кўрсатар, шу боис бу соҳани ҳам муваффақ ўрганиб, ўқиб, билги бордин.

«Илгари касалхонада ишлаган пайтда беморнинг фақат саломатлигига жавобгар бўлсан, энди унинг ҳаёти, оиласи, иши, маоши тўғрисида ҳам қайғуришга



да. — Ногиронлар соғлиғи умумдават аҳамиятига эга ишдир. Дунёнинг ҳар бир мамлакатиде уларни илтиб олади ҳимоя қилиш, меҳр-муруват кўрсатиш Ўзбекистондалик эътиборда эмас. Бошқа жойларда бу айрим шахслар, жамоаларнинг инсонпарварлиги асосига қурилган ҳолос. Бизда эса бу давлат иши, сийбаст даражасига кўтарилган ҳолос. Шунинг учун ҳам вазифамиз ногиронларни вақтида аниқлаш, ташкилларни тўғри қўйиш, ногиронлик тоғфасига тўғри белгилаш, айни пайтда, бундай илтиб олади айрим хоҳлиси қиларди баҳрамдан бўлиб қолмаслигига эришишдир, — яна уқтиради дўхтир.

ТУФИЛГАН КҮН

Ким? Қачон?
10 АПРЕЛЬ
Андрей Федоров (1971) — футболчи, Оснн ўйинлари чемпиони
11 АПРЕЛЬ
Элдор Мағдиев (1972) — футболчи, «Бухоро» жамоаси ярим ҳимоячиси
12 АПРЕЛЬ
Гулчехра Саъдуллаева — Охунбобоев номидаги ёш томошанилар театри актриси
Мурод Муҳаммад Дўст (1949) — ёзувчи
Дилмурод Назаров (1976) — футболчи, «Пахтакор» жамоаси ҳужумчиси
13 АПРЕЛЬ
Рустам Йулдошев (1979) — футболчи, «Гулистон» жамоаси дарвозабони
14 АПРЕЛЬ
Захриддин Акбаров (1970) — футболчи, «Андижон» жамоаси ярим ҳимоячиси
15 АПРЕЛЬ
Карим Мўминов (1940) — «Гулистон» футбол жамоаси мураббийси
Зебо Йулдошева — Охунбобоев номидаги ёш томошанилар театри актриси
16 АПРЕЛЬ
Шонислом Шомухаммедов (1921) — ёзувчи
??? Телефон: 133-12-58 !!!

ОАО «УЗМЕТАЛЛСАВДО»
избещает своих акционеров о проведении Общего собрания акционеров, которое состоится 2 мая 2000 года в 14.00 по адресу г.Ташкент, ул. Уста-Ширин, 136.
ПОВЕСТКА ДНЯ:
1. Избрание Счетной комиссии.
2. Утверждение годового отчета ОАО «Узметаллсавдо» за 1999 год, бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков. Распределение прибыли.
3. Утверждение Бизнес-плана на 2000 год.
4. Утверждение заключения Ревизионной комиссии о деятельности Общества и заключения аудитора о достоверности финансовой отчетности Общества за 1999 год.
5. Утверждение размеров дивидендов за 1999 год.
6. Довыборы члена Наблюдательного Совета.
7. Перевыборы членов Ревизионной комиссии.
Регистрация акционеров будет производиться с 11.00 Список акционеров, имеющих право на участие в Общем Собрании акционеров составлен по состоянию на 31 марта 2000 года.
Ознакомиться с материалами к Общему Собранию акционеров Вы можете в Наблюдательном Совете Общества.
Справки по телефону: 48-07-35
Наблюдательный Совет

БАЛАНС
ОАО «Узметаллсавдо»
на 1 января 2000 года в тыс. сум.
Таблица с активными и пассивными статьями: Долгосрочные активы, Источники собственных средств, Остаточная стоимость основных средств, Уставной фонд, Нематериальные активы, Добавочный капитал, Капитальные вложения, Резервный фонд, Оборотные активы, Обязательства, Производственные запасы, Авансы полученные, Расходы будущих периодов, Поставщики, Товары, Бюджет, Денежные средства, Прочие кредиторы, Крайнекороткие вложения, Покупатели, заемщики, Прочие дебиторы, БИАНС 481841, БИАНС 481841.
Достоверность баланса заверена ЧФ «AUDIT-YORDAM» (Лицензия №298 от 10.03.97 г.)